



ОЛИМА АЁЛЛАР – ЗАКОВАТУ ШИЖОАТ ТИМСОЛИ

Тошкент давлат аграр университетидида “Глобал иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришда олима аёлларнинг ўрни” мавзусида Республика илмий-амалий анжумани ўтказилди ва уни университетнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, қ.х.ф.д., профессор К.Султонов очиб берди. Анжуманни университет Хотин-қизлар маслаҳат кенгаши раиси Шодмонова Гулноза Эркиновна бошқариб борди. Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Мирғозиева Зухра Тўраевна, Ўзбекистон Республикаси Аграр соҳа аёллари уюшмаси раиси Ахмеджановна Адиба Камилджановна, Пахта селекцияси ва уруғчилиги етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти хотин-қизлар кенгаши ва Олима аёллар уюшмаси раиси, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Рашидова Дилбар Каримовна сўзга чиқишди. Нотиқлар глобал иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришда олима аёлларнинг ўрни, турли соҳаларда амалга оширилаётган ишлар, ютуқ ва камчиликлар, муаммолар ечимини топишда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Анжуманнинг аҳамияти, унда кўтарилган илмий муаммолар, глобал масалалар хусусида муҳбиримизга Тошкент давлат аграр университети хотин-қизлар маслаҳат кенгаши раиси, ректор маслаҳатчиси, қ.х.ф.д., доцент Г.Э.Шодмонова қуйидагиларни сўзлаб берди.

Аввало, мазкур тадбирнинг Тошкентда, бизнинг илмий даргоҳда ўтказилиши белгилангани ҳам бежиз эмас. Чунки ТошДАУнинг республикадаги олий таълим даргоҳлари орасидаги ўрни ва нуфузи катта, – дейди у. – Аграр соҳа учун етуқ, билимдон мутахассислар тайёрлаш, шу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш, илм-фан юқларини амалиётга жорий этиш борасида ҳам етакчимиз. Жамоамизда ректоримиз томонидан аёллар ва уларнинг меҳнатига, илмий салоҳиятини оширишга жиддий эътибор берилаётганини ҳам айтиб ўтишим лозим. Айнан бугунги анжуман ҳақида гапирадиган бўлсам, бу тадбир профессор-ўқитувчиларнинг, хусусан, олима аёлларнинг янгидан-янги илмий ютуқларини намойиш этиши учун катта бир имкон беради. Шу ўринда эътиборингизни айрим маълумотларга қаратай. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йил 22 декабрдаги 70-сессиясида 11 февраль - “Илм-фан соҳасидаги аёллар ва қизлар халқаро куни” сифатида расман эълон қилинди ҳамда 2016 йилдан бошлаб мазкур сана дунёнинг кўплаб давлатларида кенг нишонланадиган бўлди. Мамлакатимизда эса хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, бу борадаги барча муаммолар ва тўсиқларни олиб ташлаш, гендер тенглигини таъминлаш, аёлларнинг илмий салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президентимиз аёл - она, аёл - соғлом ва баркамол келахак яратувчиси, ватанпарварлик бешиги дея бот-бот эътироф этаётганлари ҳам бежиз эмас.

Чунки юқори иқтидор соҳибаси саналган аёлларимиз барча ишга улгуряпти, ақлу заковатда тенги йўқ, улар улкан кашфиётлар яратмоқда. Бу борада Президентимиз томонидан эълон қилинаётган фармон ва қарорлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-401-сон қарорига асосан 2024 йилда 11 февраль - Халқаро илм-фан соҳасидаги аёллар ва қизлар куни муносабати билан “Илм-фан аёл - жамият кўзгуси” мавзусида ҳафталик ўтказиш белгиланган. Шунга мос равишда бугунги анжуманимиз аграр соҳани ривожлантириш йўлида илмий тадқиқотлар олиб бораётган барча олима аёлларимиз ҳамда тадқиқотчи қизларимизнинг ютуқларини яна бир қарра намойиш этиш имконини беради. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Аграр соҳа аёллари уюшмаси, Пахта селекцияси, уруғчилиги етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Тошкент вилояти Олима уюшмаси, Тошкент давлат аграр университетининг профессор-ўқитувчилари ва олималари, ўсимликшунослик соҳаси етакчи мутахассислари, университетда ташкил этилган инновацион гуруҳларнинг фаол бакалаврият талабалари, магистрлари ва докторантлардан иборат жами 150 дан ортиқ илм-фан фидойилари иштирок этишди. Таниқли олимлар ва ёшларнинг турли мавзулардаги 20 дан ортиқ маърузалари анжуман иштирокчилари эътиборига тақдим этилди.

Энг муҳими, мазкур анжуман доирасида глобал иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалиги фанини ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинади. Шунингдек, мавжуд муаммолар, глобал иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни, уларнинг аграр соҳа ривожига қўшаётган ҳиссалари, мамлакатимиз ва хорижлик олималар томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди.

“ Шу ўринда эътиборингизни яна бир масалага қаратмоқчиман. Бугун юксак илмий салоҳиятга ва имкониятларга эга бўлган университетимиздаги 549 нафар профессор-ўқитувчиларнинг 233 нафари ёки 42,4 фоизини хотин-қизларни ташкил этиб, уларнинг 80 нафари ёки 34,3 фоизи илмий даража ва унвонга эгадир. Шунинг ўзиёқ олим аёлларнинг илмий дароғҳдаги ўрни ва нуфузи нечоғлик юқори эканлигини кўрсатиб турибди. Ўз илмий мактаблари билан илм-фан соҳасида эътироф этилган Х.Атабаева, М.Аманова, Г.Холмуродова, И.Рустамова, М.Досмухаммедова, Д.Кодирова, М.Саидова, Д.Воҳидова каби профессор-ўқитувчиларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. ”

Шу билан бирга университетда таҳсил олаётган талабаларнинг 3813 нафари ёки 26,8 фоизини хотин-қизларни ташкил этади. Университетимизда таҳсил олаётган талаба-қизлар учун яратилган шароитлар натижасида биргина 2023 йилда магистр қизимиз Чарос Анварбекова “Зулфия” номидаги давлат мукофоти совриндори бўлди. 2 нафардан жами 4 нафар талаба қизларимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти (Ч.Анварбекова, И.Асатова) ва Бегуний номидаги давлат стипендиялари (Г.Яхшибекова, Н.Ботирова) соҳибаси бўлишди. Бундан ташқари 3 нафар қизимиз Қишлоқ хўжалиги вазири стипендиясига (А.Минбаева, Ш.Хасанова, Д.Холжигитова) лойиқ кўрилди.

Шунингдек, университетдаги 24 та кафедранинг 6 тасига ҳамда 6 та таркибий бўлинмаларга хотин-қизлар раҳбарлик қилишмоқда.

Ҳукуматимиз топшириғига кўра ўтказилган анжуманда қуйидаги илмий муаммолар ва масалалар муҳокама этилиб олимларнинг маърузалари тингланди.

1. Ўсимликшунослик соҳасида олима хотин қизларнинг эришаётган ютуқлари;
2. Республикаимизда мева-сабзавот, полиз ва мойли экинларни ривожлантиришда олима аёлларни роли;
3. Агробизнесда аёл фермерларнинг роли;
4. Тупроқшунослик ва агрокимёнинг ривожланишида олима аёлларнинг ўрни;
5. Селекция ва уруғчилик йўналишидаги илмий тадқиқотларнинг самарадорлиги;
6. Глобал иқлим ўзгариши шароитида ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн соҳаларидаги олима аёлларнинг илмий фаолияти;
7. Ўзбекистонда инновацион технологиялар билан чорвачиликни ривожлантиришда хотин-қизларнинг роли;
8. Замонавий ветеринария ютуқларида олима аёллар-

нинг ўрни.

Анжуманнинг ялпи мажлисида қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Атабаева Ҳалима Назаровнанинг ўсимликшунослик соҳасида олима хотин-қизларнинг эришаётган ютуқлари; қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Аманова Махфурат Эшмуродовнанинг Республикаимизда мева-сабзавот, полиз ва мойли экинларни ривожлантиришда олима аёлларни роли; иқтисод фанлари доктори, профессор Рустамова Ирода Баҳромжоновнанинг агробизнесда аёл фермерларнинг роли; биология фанлари доктори, профессор Қодирова Дилрабо Абдукаримовнанинг тупроқшунослик ва агрокимёнинг ривожланишида олима аёлларнинг ўрни; қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Холмуродова Гўзал Рўзиевнанинг селекция ва уруғчиликда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг самарадорлиги; Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти докторанти, қ.х.ф.д. Назарова Одина Жумадуллаевнанинг глобал иқлим ўзгариши шароитида ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн соҳаларидаги олима аёлларнинг илмий фаолияти; қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Досмухаммедова Мухайё Хуснидиновнанинг Ўзбекистонда инновацион технологиялар билан чорвачиликни ривожлантиришда хотин-қизларнинг роли; ветеринария фанлари доктори, профессор Вахидова Дилбар Салимовнанинг замонавий ветеринария ютуқларида олима аёлларнинг ўрни; “Мирзо Улуғбек ворислари”, “Йил талабаси” танловлари Республика босқичи ғолибаси, ТДАУ Тулепберген Қаипбергенов номли ички стипендияси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги стипендияси соҳибаси Минбаева Айгул Утепберген қизининг қишлоқ хўжалигида эко-кассеталарни қўлланилиши мавзуларидаги маърузалари анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Анжуманни ўтказиш учун белгилаб олинган вазифалар бўйича алоҳида-алоҳида шўъба мажлисларида соҳага оид маърузалар тингланди.



«Мева ва сабзавот, картошка ва полиз экинларидан экологик тоза маҳсулот етиштиришда ва ҳосилдорлигини оширишда органик қишлоқ хўжалиги ҳамда ўсимликлар ҳимоясининг роли» мавзусида олиб борилган 1-шўъба «Ўсимликлар ҳимояси, агрокимё ва тупроқшунослик» факультети хотин-қизлар масалалари маслаҳат кенгаши раиси, доцент З.Ғ.Носирова раислигида ва «Мева сабзавотчилик ва узумчилик» факультети хотин-қизлар масалалари маслаҳат кенгаши раиси Ф.А.Равшанова котиблигида ўтказилди.

«Аграр соҳасининг барқарор ривожланиши йўлида замонавий ёндашувлар, агросферани иқлим ўзгаришига мослаштириш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш» мавзусидаги 2- шўъбага «Қўшма таълим ва сиртқи (масофавий) таълим факультети хотин-қизлар масалалари бўйича

маслаҳат кенгаши раиси, доцент М.Т.Хонкелдиева раислик қилди. "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик" кафедраси доценти Д.У.Жанакова эса котиблик вазифасини бажарди. Шўъбани «Экология ва ботаника» кафедраси мудир К.Х.Бухоров очиб берди. Шўъба доирасида аёл профессор-ўқитувчилар ва талаба қизлар ўз маърузалари билан фаол қатнашдилар.



"Ўсимликшунослик, селекция ва уруғчилик, деҳқончилик ва мелиорация, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн соҳалари ҳамда уларни рақамли технологияларда қўллаш самарадорлиги" номли 3-шўъба ишига «Агробиология» факультети хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳат кенгаши раиси, доцент С.Тоғаева раислик қилди. Ўсимликшунослик ва мойли экинлар кафедраси мудир, профессор З.Юлдашева ва деҳқончилик ва мелиорация кафедраси доценти Г.Абдаловалар маъруза қилишди. Илмий тадбирда ўз маърузалари билан иштирок этган профессор ўқитувчилар ва талабалар махсус сертификат билан тақдирланди.

"Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида гендер тенглиги, аёлларни агробизнесга жалб этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда логистик хизматлар асосида экспорт қилиш" мавзусидаги 4- шўъба ишига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш факультети хотин-қизлар масалалари маслаҳат кенгаши раиси, доцент Ф.Хамидова раислик қилди. Факультет декани А.Сафаров энг фаол олимлару иштирокчиларни махсус сертификат билан тақдирлади.



"Қишлоқ хўжалигида ўсимлик, пиллачилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва бирламчи қайта ишлашда инновацион технологиялар" номли 5-шўъба ишини факультет декани У.Балласов очиб берди. Шўъба ишига зооинженерия факультети хотин-қизлар масалалари маслаҳат кенгаши раиси, доцент Й.Й.Мирзаева раислик қилди. Илмий анжуманда ўз маърузалари билан иштирок этган Ипакчилик ва тутчилик кафедраси ассистенти А.Д.Сувонова, Умумий зоотехния ва ветеринария кафедраси катта ўқитувчиси,

б.ф.ф.д (PhD) Д. Р.Дехқонова, Зооинженерия факультетининг иқтидорли талабалари А.К.Волинкина, П.Р.Нуриллаева, Қ.Р.Жавлиева, Ш.Г..Зариповаларга махсус сертификатлар берилди.

Анжуман иштирокчиларининг маърузалари, фикр-мулоҳазалари асосида қўйидаги хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- «Мева ва сабзавот, картошка ва полиз экинларидан экологик тоза маҳсулот етиштиришда ва ҳосилдорлигини оширишда органик қишлоқ хўжалиги ҳамда ўсимликлар ҳимоясининг ролини ошириш;
- Аграр соҳасининг барқарор ривожланиш йўлида замонавий ёндашувлар, агросферани иқлим ўзгаришига мослаштириш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш;
- Ўсимликшунослик, селекция ва уруғчилик, деҳқончилик ва мелиорация, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн соҳалари ҳамда уларни рақамли технологияларда қўллаш самарадорлиги бўйича турли инновацион янги технологиялар жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди;
- Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида гендер тенглиги, аёлларни агробизнесга жалб этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда логистик хизматлар асосида экспорт қилиш бўйича амалий тавсиялар берилди;
- Қишлоқ хўжалигида ўсимлик, пиллачилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва бирламчи қайта ишлашда инновацион технологиялар бўйича турли йўриқномалар тавсия этилди;
- Мойли экинларни етиштириш технологиясини такомиллаштириш, шўрга ва қурғоқчиликка чидамли мойли экинларни кўпайтириш;
- Ер деградациясига учраган майдонларда фитомелиоратив экинларни кўпайтириб ерни эрозиядан асраш ишларини олиб бориш;
- Пахтачилик соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечими бўйича ишларни олиб бориш;
- Иқлим ўзгаришлари натижасида дунёнинг турли мамлакатларида тез-тез содир бўлиб тураётган ҳар хил зараркундаларга, сув танқислигига ва уларни олдини олишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий-тадқиқотларни амалга ошириш зарур ҳисобланади.

Анжуманга келиб тушган республика бўйича 70 дан ортиқ мақолалар таҳрир ҳайъати томонидан сараланиб ОАК рўйхатида киритилган "Агро кимё ҳимоя ва ўсимликлар карантини" журналининг махсус сонидида чоп этиладиган бўлди. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, анжуман фаолияти радио ва телеканалларда, вазирликлар ва қўмиталар, илмий даргоҳлар ижтимоий тармоқларида муттасил ёритиб борилди. Шунингдек, профессор ўқитувчилар, инновацион гуруҳларнинг фаол талаба ёшлари, магистрлар ва докторантлар турли кўринишдаги соҳа ютуқларини ўзида мужассамлаштирган экспонатлар кўргазмаси билан ҳам анжуманда иштирок этишди.

Ҳеч шубҳа йўқки, мазкур анжуман мамлакатимиз аграр соҳасини илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмалар асосида ривожлантиришга, бу жараёнда олима аёлларнинг, иқтидорли ёшларнинг илмий салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

1-SHO'BA

MEVA-SABZAVOT, KARTOSHKVA VA POLIZ EKINLARIDAN EKOLOGIK TOZA MAHSULOT YETISHTIRISHDA VA HOSILDORLIGINI OSHIRISHDA ORGANIK QISHLOQ XO'JALIGI HAMDA O'SIMLIKLAR HIMOYASINING ROLI

UO'T: 631.4+631.411.5+577+546.466

SUG'ORILADIGAN TIPIK BO'Z TUPROQLARNING UNUMDORLIK KO'RSATKICHLARIGA AGROTEKNIK TADBIRLARNING TA'SIRI

Raimbayeva Gulzira Sharipovna, dotsent,
Maxkamova Aliya Shinibaevna, assistent,
Toshkent davlat agrar universiteti.

Annotatsiya. Ushbu maqolada sug'oriladigan tipik bo'z tuproqlarning unumdorlik ko'rsatkichlariga agroteknik tadbirlarning ta'sirini, ahamiyatini, sug'oriladigan tipik bo'z tuproqlarning xossalari o'g'itlar ta'sirida o'zgarishini o'rganishning muhimligi keltirilgan. Tuproqdagi organik va mineral o'g'itlarning yetarli darajada bo'lishi bilan bir qatorda tuproqning strukturasi yaxshilashga e'tibor berish zarur. Tuproqning unumdor bo'lishi uchun uning xossalari, tarkibini va tuproqda kechadigan turli jarayonlarni o'rganish zarur. Sug'oriladigan tipik bo'z tuproqlarning unumdorlik ko'rsatkichlarining tuproq qatlamlarida taqsimlanishi, ularga eroziyaning ta'siri, antropogen omillar va agroteknik tadbirlardan: sug'orish, mineral va organik o'g'itlarning tuproqning unumdorligiga ta'sirini o'rganish maqsad qilib qo'yilgan. Tuproq unumdorligiga ekinlar turi, mineral va organik o'g'itlar ta'sir qilib, organik qoldiqlarning qayta o'zgarishi natijasida tuproq azotga boyib boradi.

Kalit so'zlar: tipik bo'z tuproq, mineral va organik o'g'itlar, unumdorlik, agroteknik tadbir.

Аннотация. В статье представлена важность изучения влияния агротехнических мероприятий на продуктивность типичных орошаемых серозёмных почв, изменение свойств типичных орошаемых серозёмных почв под влиянием удобрений. Помимо достаточного количества органических и минеральных удобрений в почве, следует обратить внимание на улучшение структуры почвы. Чтобы почва была плодородной, необходимо изучить ее свойства, состав и различные процессы, происходящие в почве. Цель-изучение распределения показателей плодородия типичных серозёмных почв, влияния на них эрозионных процессов, влияния антропогенных факторов и агротехнических мероприятий-поливов, минеральных удобрений, органических удобрений на плодородие почв. Различные виды сельскохозяйственных культур, минеральные и органические удобрения влияют на плодородие почвы. В результате преобразования органических остатков почва обогащается азотом.

Ключевые слова: типичный серозём, минеральные и органические удобрения, плодородия почв, агротехнические мероприятия.

Abstract. The article presents the importance of studying the effect of agrotechnical measures on the productivity of typical irrigated serozem soils, changes in the properties of typical irrigated gray earth soils under the influence of fertilizers. In addition to a sufficient amount of organic and mineral fertilizers in the soil, attention should be paid to improving the structure of the soil. In order for the soil to be fertile, it is necessary to study its properties, composition and various processes occurring in the soil. The goal is to study the distribution of fertility indicators of typical serozem earth soils, the influence of erosion processes on them, the influence of anthropogenic factors and agrotechnical measures- irrigation, mineral fertilizers, organic fertilizers on soil fertility. Various types of crops, mineral fertilizers, organic fertilizers affect soil fertility. As a result of the transformation of organic residues, the soil is enriched with nitrogen.

Key words: typical serozem soils, mineral and organic fertilizers, soil fertility, agrotechnical measures.

Mavzuning dolzarbligi. Hozirgi kunda Respublikamizda qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishini izchillik bilan jadallashtirish, sug'oriladigan tuproqlardan samarali va oqilona foydalanish eng muhim dolzarb vazifalaridan biri bo'lib, tuproqlarning unumdorligini saqlash va uni yil sayin oshirib borish zarur. Tuproqning unumdorlik ko'rsatkichlariga agroteknik tadbirlarning ahamiyatini, sug'oriladigan tipik bo'z tuproqlarning xossalari o'g'itlar ta'sirida o'zgarishini o'rganish muhimdir. Tuproqlarning unumdorligini saqlash va oshirishda o'z vaqtida tuproqqa ishlov bermasdan turib, samarali va yaxshi natijalarga erishib

bo'lmaydi. Tuproqlarning unumdorligini oshirish tuproq hosil bo'lish jarayonlarining rivojlanish qonuniyatlari bilan bog'liqdir. Shu boisdan tuproq tarkibini, xossalari o'rganish, tuproqlarni baholash, ekin turiga va talabiga qarab turli xil mineral va organik o'g'itlardan samarali foydalanish tuproq unumdorligini saqlash va oshirishda hozirgi kunning dolzarb vazifalaridan biridir. Tuproqdagi organik va mineral o'g'itlarning yetarli darajada bo'lishi bilan bir qatorda tuproqning strukturasi yaxshilashga e'tibor berish zarur. Tuproqning unumdor bo'lishi uchun uning xossalari va tuproqda kechadigan turli xil jarayonlarni o'rganish zarur.